



«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» туркум рисоалар

А. Х. Саидов

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА
ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ:
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**



**PUBLIC PARTICIPATION
IN CONSTITUTIONAL REFORMS:
NATIONAL AND INTERNATIONAL EXPERIENCE**



«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» туркум рисоалар

А. Х. Саидов

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ИСЛОҲОТЛАРДА
ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ:
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

Тошкент – 2022

Саидов А.Х. Конституциявий ислохотларда жамоатчилик иштироки: миллий ва халқаро тажриба. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. – 24 бет. (“Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” туркум рисоалар)

Рисолада кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти вакиллари, оммавий ахборот воситалари ва академик ҳамжамиятнинг иштироки конституциявий ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқилиши қайд этилган.

Рисола кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси “Халқ – қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифидир” ҳамда “Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади” деган тамойилларга асосланган ҳолда ўтказилмоқда.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз жорий йилнинг июнь ойида Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қайд этиш лозимки, Президентимиз илгари сурган “Инсон кадри учун” ғояси, шунингдек Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” ёндашувини Конституциямиз мазмунига чуқур сингдириш “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасини яратишнинг устувор вазифасига айланди.

Конституциямиз йиллар давомида яшаётган давримиз, ислохотлар талаби ва халқимиз эҳтиёжидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилди. Ҳозир эса Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг қўламли вазифалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислохотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шунингдек, ҳозир дунёда кечаётган глобал муаммолар ва кун сайин ўзгариб бораётган халқаро ҳаёт мамлакатимизни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарор тараққиётни таъминлаш, ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби кенг қўламли масалалар борасида ечимини кечиктириб бўлмайдиган, янги ва ўта муҳим ҳаётий вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистон – мақсади демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган принцип ва нормаларга асосланган, пировард мақсади халқ учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатга айланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ислоҳот кучли конституциявий-ҳуқуқий асосга таянсагина, кўзланган эзгу мақсад ва улуғвор вазифаларга, самарали натижаларга эришади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва дунё тажрибасига назар ташланса, туб бурилиш даврида конституциявий ислоҳотлар амалга оширилгани ҳамда ислоҳотлар халқ томонидан қўллаб-қувватлангани ва халқнинг орзу-умидини рўёбга чиқаришга хизмат қилгандагина ортга қайтмас тус олишини кузатиш мумкин.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ – ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади”.

Янгиланаётган Конституциямизнинг асосий муаллифи ва ижодкори том маънода Ўзбекистон халқи ҳисобланади. Ушбу хулоса қуйидагиларга асосланади:

Биринчидан, конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ғояси ҳамда унинг давлат ва жамият ривожига аҳамияти илк маротаба айнан “Янги Ўзбекистонга – Янгиланган Конституция лозим”, деб билаётган аҳоли ва сайловчилар томонидан таклиф этилди.

Зеро, 2021 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг мантиқий давоми бўлган муҳим таклиф – конституциявий ислохотни амалга ошириш масаласи кун тартибига қўйилди.

Бу, бир томондан, Президентимизнинг Янги Ўзбекистон стратегияси доирасидаги демократик ислохотлар сиёсати кенг қўллаб-қувватланаётгани, иккинчи томондан, сайловчилар мамлакатдаги туб ўзгаришлардан манфаатдор эканидан далолат беради.

Иккинчидан, халқ томонидан илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, тизимлаштириш, чуқур таҳлил этиш ҳамда мамлакат тараққиётининг ушбу босқичида Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс асосларини яратиш, жамият ва давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида Президентимиз конституциявий ислохотларнинг устувор йўналишларини аниқлаб берди.

Учинчидан, конституциявий ислохотларни амалга ошириш ишларига бевосита халқ томонидан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари бошчилик қилмоқда. Шунингдек, парламент томонидан шакллантирилган Конституциявий комиссия таркибига академик ҳамжамят, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилгани ҳам конституциявий ислохотларда халқ вакиллари иштироки билан бир қаторда, унинг халқчиллигини ҳамда жаҳонда тан олинган демократик тамойиллар ва қоидаларга мослигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган умумхалқ муҳокамасида call-марказ, фуқароларнинг бевосита қабули орқали, “Meningkonstitutsiyam.uz” платформаси, анъанавий мурожаатлар ҳамда жамоавий таклифлар асосида 150 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Бу 1992 йилдаги умумхалқ муҳокамасига қараганда 25 баробардан кўпдир. Ушбу таклифларнинг 56 фоизи эркаklar, 40 фоизи аёллар томонидан, 4 фоизи эса аноним тарзда билдирилган. Унда хориждаги ватандошлар юборган таклифлар ҳам инобатга олинган ва илмий ҳамжамят иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, Конституциявий комиссияга тақдим этилган.

Бешинчидан, жойлардаги учрашувларда фуқаролар билдирган фикр-мулоҳазалар, ташаббус ва таклифлар таҳлили ҳам халқимизнинг Янги Ўзбекистондаги ўзгаришларга бефарқ эмаслиги, балки ислохотлар, хусусан, конституциявий ислохотларнинг фаол ва манфаатдор иштирокчисига айланаётганидан далолат беради.

Олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ҳуқуқшунос олимлар, академик ҳамжамият, “ақл марказлари”нинг конституциявий ислохотлардаги фаол иштирокини эътироф этиш лозим. Фуқаролик жамияти институтлари Конституциявий комиссия фаолиятига ҳам яқиндан қўмак кўрсатди:

- БМТ, ЕХХТ, ШХТ, ЕИ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида қабул қилинган 400 дан ортиқ бутундунё ва минтақавий конвенциялар, декларациялар, резолюциялар ҳамда конституциявий ривожланиш борасидаги халқаро тажриба ўрганиб чиқилиб, 193 мамлакат конституцияси, конституциявий ислохотлари тизимли равишда таҳлил этилди;

- Халқаро ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил этиш ва ўрганишлар асосида “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар конституциялари”, “Жаҳон конституциялари”, “Конституциявий ислохотлар: дунё мамлакатлари тажрибаси” (5 жилдлик) каби 10 дан зиёд асар яратилди. Улар асосида конституциявий қонун лойиҳаси ва ислохотларга оид фикр-мулоҳазалар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Фуқаролик жамияти институтлари таклифлари, жумладан, “инсон шаъни ва қадрини улуғлаш”, янги “инсон – жамият – давлат” парадигмасини ҳаётга изчил татбиқ этиш, халқчил, адолатли ва ижтимоий давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий мустаҳкамлаш, болалар, хотин-қизлар ва ногиронлиги бор шахслар эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш каби йўналишларни ўз ичига қамраб олди.

Конституциявий қонун лойиҳаси мустақил Ўзбекистон тарихида илк маротаба фуқаролик институтларининг бевосита иштироки ва ташаббуси асосида жамоатчилик, гендер, бола ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари, хусусан, ногиронлиги бор шахсларнинг

кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий давлат қуриш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш каби қатор йўналишлар ҳамда аксилкор-руപ്പия ва лингвистик экспертизалардан ўтказилди. Жамоатчи-лик экспертизаларида 300 дан зиёд нодавлат нотижорат ташки-лоти иштирок этди.

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ

Конституциявий комиссия ўз фаолиятини очиқлик ва ошко-ралик тамойилларига қатъий таянган ҳолда олиб борди. Ху-сусан, мазкур Комиссияга конституциявий ислоҳотларга ил-мий-тадқиқот муассасалари, тегишли давлат ва нодавлат ноти-жорат ташкилотлар, маҳаллалар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, соҳанинг миллий ва халқаро экспертла-ри фаол жалб этилди.

Бунда Конституциявий комиссия Матбуот хизматининг фа-олияти алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Матбуот хизмати оддий фуқаро учун содда ва тушунарли тилда конституциявий ислоҳот-ларнинг, Конституцияга киритилаётган янгиликларнинг фуқаро-ларимиз учун нақадар аҳамиятли экани, устуворликлари ва асо-сий йўналишларини етказишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Аҳолига конституциявий қонун лойиҳасини кенг таништириш, оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар-да ҳар бир модданинг кенг жамоатчилик муҳокамасини таш-киллаштириш, фуқаролар фикрини ўрганиш, бу борада аҳоли қатламлари ва Конституциявий комиссия ўртасида мустақкам алоқаларни таъминлаш ишларида журналистлар ва блогерлар-нинг иштироқи таъминланмоқда.

Бу борада Матбуот хизмати ўз фаолиятини иккита йўна-лишда олиб бормоқда:

Биринчидан, конституциявий ислоҳотларни ОАВ ва ижти-моий тармоқларда ёритиш:

- давлат ва нодавлат телеканалларида 13 минг 824 та лавҳа, интервью, информатсион ва махсус кўрсатувлар эфирга узатил-

ди, радиоканалларда – 3730 та инфор­мацион ва махсус эшит­ти­ришлар ташкил қилинди;

- босма нашрларда 1303 та мақола чоп этилган бўлса, интернет нашрларида 7122 та, “Telegram”, “Facebook”, “Instagram”, “YouTube” каби ижтимоий тармоқларда 49 минг 545 та ахборот материаллари эълон қилинди.

Биргина интернетда эълон қилинган ахборот материаллари фойдаланувчилар томонидан 245 миллион мартадан кўп кўрилган ва 109 мингдан ортиқ изоҳлар қолдирилган. Шунингдек, Матбуот хизматининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ва www.meningkonstitutsiyam.uz интернет порталига Комиссия фаолияти ҳамда конституциявий ислохотлар юзасидан ахборотлар жойлаштирилмоқда. Шу кунгача жами 1000 дан ортиқ ахборот материали (ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида) жойлаштирилди. Бугунги кунда ушбу порталдан фойдаланувчилар сони кескин ортиб, 73 минг 600 нафарни ташкил этмоқда. Фуқаролардан келиб тушаётган таклифларга портал фойдаланувчилари томонидан 15 минг 872 та изоҳ ҳамда 384 та қўшимча таклифлар қолдирилган.

Иккинчидан, Конституциявий комиссия фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга кўмаклашиш:

- Конституциявий комиссия ва ишчи гуруҳлар фаолиятига бағишланган брифинг ва матбуот анжуманларини ташкил этиш тизимли равишда йўлга қўйилди;

- конституциявий ислохотларни тарғиб қилишга қаратилган 490 дан ортиқ репортаж, видеороликлар тайёрланиб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилиши таъминланмоқда. Шунингдек, Комиссия фаолияти, Комиссия ҳузуридаги гуруҳларнинг иш жараёнлари, фуқаролардан таклифлар келиб тушиши жараёнлари акс этган махсус ўзбек ва рус тилларида жами 77 та “Backstage” репортажлар суратга олиниб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилинмоқда;

- конституциявий ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти бу борадаги соҳа мутахассисларининг, комиссия аъзоларининг, қолаверса, фаол жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалари билан газеталар муштарийларини таништириб бориш мақсадида “Конституциявий ислохотлар газеталарнигоҳида” сарлавҳали таҳлилий шарҳларнинг 14 та сони тайёрланди ва кенг ёритилиши ташкил қилинди;

- барча мобилъ алоқа операторлари орқали фуқароларга ўз таклифлари билан Конституциявий ислохотлар жараёнида фаол бўлишга қаратилган SMS-хабарномалар юборилиши ташкил қилинди. Мазкур “SMS”лар 30 миллион абонентга юборилди.

Конституциявий ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар сермахсул фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Таҳлилларга кўра, 5 та сиёсий партия томонидан 17 мингдан ортиқ тadbир ўтказилиб, уларда 657 минг фуқаро иштирок этган ва конституциявий қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, мамлакатимиздаги демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган 24 мингдан зиёд таклиф йиғилган.

Энг муҳими, муҳокамаларда “энг қийин”, “ноқулай”, аввал “ўта нозик”, деб аталган турли масалалар ҳам – бу иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий соҳага ёки экология, гуманитар ва бошқа соҳаларга тааллуқлилигидан қатъи назар, ўртага ташланди, муҳокама марказига қўйилди. Жамиятдаги фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги, улар орасидаги рақобат яққол намоён этилди.

Сўзсиз, буларнинг барчаси ўзига хос демократик индикатор бўлиб, Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси ҳақиқий халқ Конституцияси эканини таъминлашга ҳамда ҳар бир модда-ни аҳоли фикрини инобатга олиб сайқаллашга хизмат қилмоқда.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ – ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИРОФИДА

Конституциявий қонун лойиҳасини яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг конституциявий ислохотларни ўтказиш борасидаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қайд этилган тавсиялар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг “Янги Европа учун Париж хартияси”, Европа Иттифоқининг “Асосий ҳуқуқлар бўйича Европа Иттифоқи хартияси”, Ислom ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида жамиятнинг барча қатламлари вакиллари давлат ва жамият бошқаруви жараёнларига жалб этиш бўйича қабул қилинган халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида ҳисобга олинди.

Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, академик ҳам-жамият, халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотлар билан ҳам-корликда, жумладан, хорижий мамлакатларда ҳам (АҚШ, Буюк Британия, Корея, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония, Ҳиндистон каби давлатлар) конституциявий ислоҳот ҳамда конституциявий қонун лойиҳасининг турли янгиликларига бағишланган 100 дан ортиқ миллий ва 40 дан зиёд халқаро форумлар ўтказилди.

Уларда 500 дан зиёд халқаро ва хорижий эксперт, парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар иштирок этиб, конституциявий қонун лойиҳаси ва ислоҳотлар борасида ўзларининг ижобий фикр-мулоҳазалари ҳамда амалий тавсияларини бердилар.

Биргина БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларга бағишланган халқаро давра суҳбатида 40 дан ортиқ аъзо-давлатларнинг Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка минтақаларидаги миссиялари доимий вакиллари ва экспертлари, шунингдек БМТнинг турли тузилмалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон тарихидаги ноёб тажриба – конституциявий қонун умумхалқ муҳокамасидан ўтказилаётгани, конституциявий ислоҳотнинг миллати, дини, ёши, жинси, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг манфаатларига мос келиши, ислоҳотнинг инклюзивлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, Озарбайжоннинг БМТдаги доимий вакили Я.Алиев ва Япониянинг БМТдаги миссияси эксперти Ш.Митсута конституциявий қонун ижодкорлиги соҳасидаги илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш бўйича Конституциявий комиссия фаолиятини юқори баҳолади. У референдум орқали халқнинг қўллаб-қувватлаши билан конституциявий ислоҳотлар муваффақиятли якунланишига қатъий ишонч билдирди.

Германиянинг БМТдаги доимий ваколатхонаси маслаҳатчиси М.Колл Конституцияни янгилашда Ўзбекистон томонидан қўлла-нилаётган ёндашув ислоҳотларнинг инклюзив ва кенг қамровлигини таъминлаш, давлат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Мазкур халқаро давра суҳбати иштирокчилари томонидан Янги Ўзбекистон Конституциясига киритилаётган ўзгартиришлар БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича кун тартиби мақсадлари билан уйғун эканлиги алоҳида қайд этилди.

Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонгнинг таъкидлашича, БМТнинг Женевада (Швейцария) жойлашган штаб-квартирасида ташкил этилган “Конституциявий ислохотлар: инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини таъминлаш” мавзусидаги давра суҳбатида иштирок этган 30 дан ортиқ халқаро ташкилот томонидан мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар ижобий баҳоланган ва қўллаб-қувватланмоқда.

М. Чунгонг конституциявий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири аёллар ва қизларнинг қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш эканига алоҳида эътибор қаратди. Конституциямизга таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси норма ҳамда тамойилларига тўлиқ мос эканлигига ургу берди.

Таъкидлаш жоизки, мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг конституциявий қонун лойиҳасига расмий шарҳлари ва таклифлари олинди.

Қатор халқаро ташкилотлар ва экспертлар конституциявий қонуннинг умумхалқ муҳокамаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг конституциявий ислохотларни ўтказиш борасидаги тегишли тавсиялари, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг тегишли ҳужжатлари, дунёда замонавий конституциявий ривожланишнинг устувор тенденциялари, шунингдек “Халқ – қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифидир” устувор тамойилига тўла-тўқис риоя қилинган ҳолда амалга оширилган, деб ҳисобламоқда. Шу билан бирга, ушбу конституциявий қонуннинг умумхалқ референдуми асосида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидламоқда.

New Uzbekistan and Human Rights

A. Kh. Saidov

**PUBLIC PARTICIPATION
IN CONSTITUTIONAL REFORMS:
NATIONAL AND INTERNATIONAL
EXPERIENCE**

Tashkent – 2022

Saidov A.Kh. Public Participation in Constitutional Reforms: National and International Experience. – Tashkent: National Center of the Republic of Uzbekistan for Human Rights, 2022. – 24 p. (Series of brochures “New Uzbekistan and Human Rights”)

The brochure notes that the participation of the general public, representatives of civil society, the media and the academic community is seen as an integral part of constitutional reforms.

This brochure is aimed at a wide-range of readers.

PUBLIC PARTICIPATION IN CONSTITUTIONAL REFORMS: NATIONAL AND INTERNATIONAL EXPERIENCE

The public discussion of the draft constitutional law “On Amendments and Additions to the Constitution of the Republic of Uzbekistan” is being held in compliance with the principles “The people are the only source and author of laws” and “All important decisions are made on the basis of direct dialogue with the people and taking into account public opinion.”

THE UPDATED CONSTITUTION AS THE LEGAL BASIS FOR ESTABLISHING A NEW UZBEKISTAN

At the meeting with the members of the Constitutional Commission in June of this year, the President emphasized that the updated Constitution should create a solid legal basis and a reliable guarantee for the long-term development strategies of our country, as well as for the future prosperous life of our country and people.

It should be noted that the idea of “For human dignity” put forward by the President, as well as the main principle of the fundamental reforms implemented in New Uzbekistan, the “Man – society – state” approach, deeply embedded in the content of our Constitution, the constitutional law “On Amendments and Additions to the Constitution of the Republic of Uzbekistan” became the priority task of creating the project.

Our Constitution has been improved over the years based on the needs of our people, the demands of reforms and the times we live in. Now, the wide-scale tasks defined in the development strategy of New Uzbekistan, the establishment of a people-friendly state, the more effective provision of human rights and interests, and the value of human dignity, create the need to create a new constitutional and legal space suitable for fundamental reforms in our country.

In addition, the global problems that are happening in the world and the international life, which is changing day by day, require the implementation of new and extremely important life tasks that cannot be delayed in solving large-scale issues such as further modernization of our country, ensuring peace, stable development, and improving the legal foundations of foreign policy.

Today New Uzbekistan has become a state based on democratic principles, universally recognized principles and norms regarding human rights and freedoms, and the ultimate goal of which is to create a free, prosperous and prosperous life for the people.

It should be noted that any reform is based on a strong constitutional-legal basis, and will achieve the noble goals and noble tasks and effective results. In fact, looking at the experience of Uzbekistan and the world, it can be observed that constitutional reforms were implemented during the period of radical change, and that reforms become irreversible only when they are supported by the people and serve to realize the people's hopes and dreams.

THE UPDATED CONSTITUTION IS A TRULY PEOPLE'S CONSTITUTION

As the President Shavkat Mirziyoyev noted “If we implement the constitutional reform on the basis of the opinion and support of our citizens, through a referendum, it will literally be an expression of the will of our people - a real people's Constitution.”

The main author and creator of our updated Constitution is literally the people of Uzbekistan. This conclusion is based on:

First, the idea of implementing constitutional reforms and its importance in the development of the state and society was proposed for the first time by the population and voters who know that “New Uzbekistan needs a renewed Constitution.”

After all, during the presidential election of Uzbekistan in October 2021, during the meeting of the candidates with representatives of the electorate, an important proposal, which is a logical continuation of the democratic reforms in our country – the implementation of the constitutional reform - was put on the agenda.

This shows, on the one hand, that the policy of democratic reforms within the framework of the strategy of the President of New

Uzbekistan is widely supported, and on the other hand, that the voters are interested in fundamental changes in the country.

Secondly, in order to generalize, systematize, in-depth analysis of the ideas put forward by the people, and at this stage of the country's development, in order to create New Uzbekistan and the foundations of the Third Renaissance, to radically improve the activities in the field of society and state administration, the President defined the priority directions of constitutional reforms.

Thirdly, the deputies and senators of the Oliy Majlis, directly elected by the people, are leading the implementation of constitutional reforms. Also, the inclusion of representatives of the academic community, non-governmental non-profit organizations and other institutions of civil society in the Constitutional Commission formed by the parliament, along with the participation of people's representatives in the constitutional reforms, serves to ensure its populism and conformity with democratic principles and rules recognized in the world.

Fourthly, more than 150,000 proposals were received on the basis of traditional appeals and collective proposals through the collective center, direct reception of citizens, the “Meningkonstitutsiyam.uz” platform, and traditional appeals. This is more than 25 times more than the 1992 public hearing. 56% of these suggestions were sent by men, 40% by women, and 4% were made anonymously. Proposals sent by compatriots abroad were also taken into account, discussed in detail with the participation of the scientific community and were presented to the Constitutional Commission.

Fifthly, the analysis of opinions, initiatives and proposals expressed by citizens at local meetings shows that our people are not indifferent to the changes in New Uzbekistan, but are becoming an active and interested participant in reforms, especially constitutional reforms.

Sixth, it is necessary to recognize the active participation of non-governmental non-profit organizations, mass media and other institutions of civil society, legal scholars, academic community, “think-tanks” in constitutional reforms. Institutions of civil society closely supported the activities of the Constitutional Commission:

More than 400 global and regional conventions, declarations, resolutions and international experience in constitutional

development adopted within the framework of the UN, OSCE, SCO, EU, Organization of Islamic Cooperation, Organization of Turkic States and other international organizations were studied, constitutions of 193 countries, constitutional reforms were systematically was analyzed;

More than 10 works such as “Constitutions of Shanghai Cooperation Organization member states”, “World constitutions”, “Constitutional reforms: experience of world countries” (5 volumes) were created on the basis of deep analysis and studies of international and foreign experience. Based on them, opinions, proposals and recommendations regarding the constitutional law draft and reforms were developed.

Proposals of civil society institutions, including “glorification of human dignity and value”, consistent implementation of the new “man – society – state” paradigm in life, establishment of a populist, just and social state, constitutional strengthening of the role and status of civil society institutions, children, women – included areas such as ensuring freedoms, rights and legal interests of girls and persons with disabilities, solving environmental problems.

For the first time in the history of independent Uzbekistan, the draft constitutional law, based on the direct participation and initiative of civil institutions, protects the public, gender, children's rights, human rights, in particular, the dignity, rights and freedoms of persons with disabilities, builds a social state, supports entrepreneurship. A number of directions, such as support and protection of private property, as well as anti-corruption and linguistic expertise, were conducted. More than 300 non-governmental non-profit organizations participated in public expertise.

OPENNESS AND TRANSPARENCY ARE IMPORTANT PRINCIPLES OF CONSTITUTIONAL REFORMS

The Constitutional Commission conducted its activities strictly based on the principles of openness and transparency. In particular, representatives of scientific research institutions, relevant state and non-governmental non-profit organizations, neighborhoods, other institutions of civil society, national and international experts in the field were actively involved in this commission.

The activity of the Press Service of the Constitutional Commission took a special place in this. In particular, the Press Service is particularly active in conveying the importance, priorities and main directions of the constitutional reforms, the innovations introduced into the Constitution for our citizens in a simple and understandable language. The participation of journalists and bloggers is ensured in the work of widely introducing the draft constitutional law to the population, organizing a wide public discussion of each article in the mass media, the Internet and social networks, studying the opinion of citizens, and ensuring strong relations between the population and the Constitutional Commission in this regard.

In this regard, the Press Service carries out its activities in two directions:

firstly, coverage of constitutional reforms in mass media and social networks:

13 thousand 824 films, interviews, informative and special programs were broadcasted on state and non-state TV channels, 3730 informative and special broadcasts were organized on radio channels;

1,303 articles were published in printed publications, 7,122 were published in Internet publications, and 49,545 information materials were published on social networks such as Telegram, Facebook, Instagram, YouTube.

The relevant information published in Internet alone were viewed by users more than 245 million times and more than 109 thousand comments were left. The official pages of the Press Service on social networks and the Internet portal www.meningkonstitutsiyam.uz are posting information about the activities of the Commission and constitutional reforms. To date, more than 1000 information materials (in Uzbek, Karakalpak, Russian and English) have been posted. Today, the number of users of this portal has increased dramatically, reaching 73,600 people. 15 thousand 872 comments and 384 additional suggestions were left by the users of the portal to the proposals received from citizens;

secondly, to help ensure the openness and transparency of the work of the Constitutional Commission:

Organization of briefings and press conferences dedicated to the activities of the Constitutional Commission and working groups was systematically launched;

more than 490 reports and videos aimed at promoting constitutional reforms are being prepared and widely covered in mass media and social networks. Also, a total of 77 Backstage reports in special Uzbek and Russian languages reflecting the activities of the Commission, the work processes of the groups under the commission, and the processes of receiving proposals from citizens, are being filmed and widely promoted in the mass media and social networks;

14 issues of analytical comments entitled “Constitutional reforms from the perspective of newspapers” were prepared and widely covered in order to familiarize newspaper subscribers with constitutional reforms, their content and opinions expressed by experts in the field, commission members, and active public representatives;

SMS-notifications to citizens were sent through all mobile communication operators aimed at being active in the process of constitutional reforms with their suggestions. These SMS were sent to 30 million subscribers.

It is worth noting that political parties are carrying out productive activities during the process of constitutional reforms. According to the analysis, more than 17,000 events were held by 5 political parties, 657,000 citizens took part in them, and more than 24,000 proposals were collected aimed at further improving the draft constitutional law and deepening democratic reforms in our country.

Most importantly, various issues, which were previously called “the most difficult”, “inconvenient”, “extremely sensitive”, were brought up in the discussions, regardless of whether they are related to the economic, social, political, legal or environmental, humanitarian and other areas were placed at the center of the discussion. Diversity of thoughts and ideas in the society, competition between them was clearly demonstrated.

Undoubtedly, all this is a unique democratic indicator, which serves to ensure that the updated Constitution of Uzbekistan is a real people's Constitution and polish every article taking into account the opinion of the population.

THE DRAFT CONSTITUTIONAL LAW IS RECOGNIZED BY THE INTERNATIONAL COMMUNITY

In creating the draft constitutional law the UN recommendations on constitutional reforms, Universal Declaration of Human Rights,

International Covenant on Civil and Political Rights, Paris Charter for a New Europe of the Organization for Security and Cooperation in Europe, European Union Charter of Fundamental Rights, the international and regional legal documents on the involvement of representatives of all levels of society in the processes of state and community management adopted within the framework of the Organization of Islamic Cooperation and other international structures were taken into account.

More than 100 national and more than 40 international forums, including in foreign countries (USA, Great Britain, Korea, Poland) dedicated to constitutional reform and various innovations of the draft constitutional law in cooperation with state and non-governmental non-profit organizations, academic community, international and foreign non-governmental organizations , Russia, Saudi Arabia, Switzerland, Japan, India) were held.

More than 500 international and foreign experts, members of parliament, state and public figures, political scientists participated in them and gave their positive opinions and practical recommendations regarding the draft constitutional law and reforms.

Permanent representatives and experts of the missions of more than 40 member states in the regions of Asia, Europe, North and South America, and Africa, as well as employees of various UN structures, took part in the international roundtable discussion on constitutional reforms in Uzbekistan at the headquarters of the UN in New York alone. At the event, a unique experience in the history of Uzbekistan – the fact that the constitutional law is being discussed by the whole nation, that the constitutional reform corresponds to the interests of every citizen, regardless of nationality, religion, age, gender, and social status, and the efforts aimed at ensuring the inclusiveness of the reform were specially recognized.

In particular, Azerbaijan's permanent representative to the UN, Ya. Aliiev, and Sh. Mitsuta, an expert of Japan's mission to the UN, highly appreciated the work of the Constitutional Commission on the in-depth study of advanced international experience in the field of constitutional law-making. He firmly believed that the constitutional reforms will be successfully completed with the support of the people through the referendum.

Counselor of Germany's Permanent Mission to the UN, M. Koll, noted that the approach used by Uzbekistan in updating the Constitution is a bright example of ensuring the inclusiveness and comprehensiveness of the reforms and effectively solving the tasks facing the state.

The participants of this international roundtable specifically noted that the amendments to the new Constitution of Uzbekistan are consistent with the goals of the UN's agenda for sustainable development until 2030.

The General Secretary of the Inter-Parliamentary Union Martin Chungong, stated that the constitutional reforms in our country were positively evaluated and supported by more than 30 international organizations that participated in the roundtable discussion on "Constitutional reforms: ensuring human dignity and rights" organized at the UN headquarters in Geneva (Switzerland).

M. Chungong paid special attention to the fact that one of the priorities of the constitutional reforms is the further development of the constitutional-legal basis for ensuring the effective protection of the dignity, rights, freedoms and legal interests of women and girls. The proposed amendments and additions to our Constitution emphasized full compliance with the norms and principles of the UN Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women, the Beijing Declaration and the Platform for Action.

It should be noted that, for the first time in the history of independent Uzbekistan, the Office of the UN High Commissioner for Human Rights received official comments and suggestions on the draft constitutional law.

A number of international organizations and experts agree that the national discussion of the constitutional law are in compliance with the relevant recommendations of the United Nations on constitutional reforms, the relevant documents of other international and regional organizations, the priority trends of modern constitutional development in the world as well as the priority principle "The people are the only source and author of laws". At the same time, it is emphasized that the constitutional law shall be adopted on the basis of a national referendum.

А. Х. Саидов

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА
ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ:
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА
(ўзбек ва инглиз тилларида)**

Муҳаррирлар

М. Пальнова,

Л. Рузикулова

Таржимон (инглиз тили)

Ф. Хамдамова

Техник муҳаррир

Н. Сафарова

Компьютерда саҳифаловчи

А. Жуманиязов

Босишга 2022 йил 06 октябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 1,0. Нашр табоғи 1,2.

Адади 100 нусха. Буюртма № 16.

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.

100029, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 15.